

## ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АЁҚШЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

*т.ф.н. доцент Собиржонов Абутолиб  
ассистент Мелиев Вахобжон  
магистрант Курбанов Рамазон  
Тошкент давлат транспорт университети*

**Калит сўзлар:** Автомобил, ёнилғи қуйиш шахобчалари, транспорт воситалари, ёнилғи турлари, бинолари, автомобилларни очик ҳолда сақлаш жойлари ва шахсий гаражлар.

**Аннотация:** Ушбу мақола автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларини қуришда шаҳарсозлик меёрлари амал қилган ҳолда Республикамиз шаҳар, қишлоқ, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида бизнинг иқлим шароитларимизни ҳисобга олган қуриш ва қўшимча сервис хизматларини ҳам таклиф этади.

**Ключевые слова:** Автомобиль, заправочные станции, транспортные средства, виды топлива, постройки, открытые складские помещения и частные гаражи.

**Аннотация:** В данной статье предлагаются строительные и дополнительные сервисные услуги с учетом наших климатических условий в городских, сельских, горных и предгорных районах нашей Республики, с соблюдением норм градостроительства при строительстве заправок для автомобилей.

**Keywords:** Automobile, gas stations, vehicles, fuels, buildings, open storage areas and private garages.

**Abstract:** This article offers construction and additional services taking into account our climatic conditions in urban, rural, mountainous and foothill areas of our Republic, in compliance with urban planning standards during the construction of gas stations for cars.

**ЁҚШни жойлаштиришга бўлган талаблар.** ЁҚШ уй-жой, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший биноларга нисбатан шамол йўналиши бўйича қуйи тарафида жойлашган бўлиши керак.

ЁҚШни жойлаштиришда:

- мактабгача болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернат, стационар даволаш муассасалари ер участкаларининг чегараларигача;

- хонанинг яқин турган деворигача бўлган минимал масофани аниқлаш керак.

Автомобил йўллари ва аҳоли яшаш жойларигача бўлган минимал масофа уларнинг тоифасига қараб қабул қилинади, яъни:

- умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган магистрал кўчалар ва магистрал йўлларгача – I, II, ва III тоифали умум тармоқли автомобил йўллари каби;

- қолган кўча ва йўлларгача – меёрланмайди.

ЁҚШ ҳудудида транспорт воситаларининг ҳаракати, одатда бир тарафлама бўлиши керак. Бу ҳолда кириш ва чиқиш учун алоҳида йўллар кўзда тутилган бўлиши керак.

ЁҚШ ҳудудида, гуллаганда ўзидан толали ва тукли моддалар ажратиб чиқарадиган ёки уруғи тўкиладиган дарахтлар ва буталар экишга йўл қўйилмайди.

**Био ва иншоотларга талаблар.** ЁҚШда ходимлар учун куйидаги хизмат ва маиший бинолар (хоналар) жойлашиши мумкин: оператор, маъмурият, қозонхона, овқатланиш, қоровул хизмати хоналари ҳамда хожатхона, махсус кийимлар, асбоблар, эҳтиёт қисмлар, асбоблар ва жиҳозлар учун хужралар жойлашиши керак. Кўрсатилганлардан ташқари ЁҚШ ҳудудида йўловчиларга, ҳайдовчиларга ва уларнинг транспорт тизимларига хизмат кўрсатиш хоналарини жойлаштириш тавсия этилади.

Ҳайдовчи ва пассажирларга қўшимча равишда хизмат кўрсатишда кафе, бар, магазин ва хожатхоналар кўзда тутилиши мумкин. Транспорт воситаларига сервис кўрсатиш учун техник хизмат кўрсатиш ва ювиш постлари кўзда тутилиши мумкин.

ЁҚШ ҳудудида “А”, “Б” (техник хизмат кўрсатиш постлари ва ювиш биноларидаги транспорт воситаларини ўрнатиш хоналаридан ташқари) ва “Г” тоифали хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

ЁҚШ ҳудудида жойлашган био ва иншоотлар I, II ва III даражали ўтга чидамли ва одатда бир қаватли бўлиши керак.

ЁҚШдан унга таълуқли бўлмаган объектларгача бўлган минимал масофа 1-жадвал бўйича қабул қилинади.

1 – жадвал

**ЁҚШдан унга тааллуқли бўлмаган объектларгача бўлган минимал масофа**

№ т/р	Объект номи	ЁҚШдан бўлган масофа	ЁҚШдан объектгача бўлган масофа, м, тури	
			А	Б
	Ишлаб чиқариш, омборхона, маъмурий маиший бинолар ва саноат корхоналарининг иншоотлари (10 бандда кўрсатилганлардан ташқари)			
	Уй-жой, жамоавий бинолар			
	Аҳолини энг кўп тўпланадиган жойлари			
	Автомобилларни очик ҳолда сақлаш жойлари ва шахсий гаражлар			
	Савдо жойлари ва киосклар			
	Умум тармоқ автомобил йўллари (йўл четигача): I II ва III тоифали V			
	Шаҳар электр транспорти маршрутлари (контакт тармоғигача)			
	Умум тармоқ темир йўллари			
	ЁҚШга таълуқли бўлмаган тозалаш иншоотлари ва насос станциялари			

	12.1.007 ГОСТ бўйича I ва II класс хавфли радиоактив ва зарарли моддалари бўлган бино ва иншоотларининг А <sub>n</sub> , Б <sub>n</sub> , Г <sub>n</sub> тоифали технологик қурилмалари			
--	---	--	--	--

ЁҚШ ходимлари учун хоналар, оператор хонасини қўшиб ҳисоблаганда, ҳайдовчи, йўловчи ёки уларнинг транспорт воситаларига сервис кўрсатиш биноларида жойлашиши керак.

Битта бинода жойлаштиришга рухсат этилмайди, қайсики:

- транспорт воситаларига сервис кўрсатиш хоналари ва йўловчи ва ҳайдовчиларга хизмат кўрсатиш хоналарини;

- умумий овқатланиш хоналари ва тез ўт олувчи ва ёнувчи суюқликларни сотишга мўлжалланган дўкон хоналарини.

Транспорт воситаларига сервис кўрсатиш биноларида 3 тадан кўп бўлмаган техник хизмат кўрсатиш постлари бўлиши мумкин.

Мой маҳсулотлари (ишлатилган мойларни ҳисобга олганда) умумий сифими 1м<sup>3</sup> дан ортиқ бўлмаган идишларда, қўшни хоналардан ёнғинга қарши I турдаги тўсиқлар билан ажратилган ва ташқарига мустақил чиқадиغان йўли бўлган маҳсус хоналарда сақлананиши керак.

Аҳоли яшайдиган пунктларда жойлаштирилиши кўзда тутилган, ЁҚШни лойиҳаланаётганда фақат енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш постлари хоналарини жойлаштиришга рухсат этилади.

Юриш йўллари, ёнилғи қуйиш оролчалари ва автоцистерна учун майдончалар нефт маҳсулотларига чидамли материаллардан қопланиши керак.

ЁҚШлар ёнғиндан сақлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши зарур.

ЁҚШлар телефон ёки радиоалоқа, ҳамда овоз кучайтиргич орқали маълумот тарқатиш тизими билан таъминланган бўлиши керак.

**ЁҚШларнинг бош режаси ва технологик схемаси.** *Бош режа* – бу бинолар ва иншоотлар, ҳудуддаги технологик коммуникациялар ва муҳандислик тармоқлари, ободонлаштиришни жойлаштириш ва режалаштиришни комплекс ҳал қиладиган ҳамда ЁҚШни аҳоли пунктларида, саноат ёки автотранспорт узелларида жойлаштириш лойиҳасининг бир қисмидир. У ЁҚШ жойлашадиган аҳоли пунктини режалаштириш лойиҳалари билан ҳамда яқин аҳоли пунктининг кичик туманларини режалаштириш ва қурилиши, яқин атрофдаги автомагистраллар билан боғланган бўлиши керак. Унда маъмурий туманни ривожлантириш истиқболи ҳисобга олинган бўлиши керак.

ЁҚШнинг бош режасини тўғри лойиҳалашда эксплуатацион, ёнғин хавфсизлиги ва экологик ҳолатларни энг қулай шароитлари яратилади (5.1 – расм).


Технологик талаблар кўп ҳолларда асосий ишлаб чиқариш объектларини ўзаро жойлашишини, қувват бўйича талаб эса (сутка давомидаги ёнилғи қуйишлар сони) – ЁҚШни умумий майдони ва резервуарлар парки ҳажмини аниқлайди.

Ёнғинга қарши ва санитар меъёрлар ЁҚШдан унга тааллуқ бўлмаган объектларгача бўлган минимал рухсат этилган масофаларни аниқлайди.

ЁҚШ қурилиши мўлжалланаётган майдон техникавий, ёнғин ва санитар эпидемиологик нуқтаи назардан қатор талабларга жавоб бериши керак.

ЁҚШ майдони, ҳудудга ёнилғи қуйишга кирадиган автомобиллар ва станцияга ёнилғи ташиб келтирадиган автомобиллар учун қулай бўлиши керак. Майдонча атрофида санитар ҳимоя минтақаси ташкил этилиши зарур.

Майдон чегарасидан кўшни уй, саноат қурилиш иморатларигача бўлган масофа санэпидназорат ва ёнғин назорати меъёрлари бўйича бажарилган бўлиши керак. ЁҚШни йўл бўйида жойлашиши йўл белгилари билан кўрсатилади.



1 – расм. Ёнилғи қуйиш шохобчанинг бош режасининг схемаси

Ҳудудда транспорт воситаларини тезлигини чекловчи, ҳаракат йўналишини кўрсатувчи белгилар ўрнатилган бўлиши керак. Ҳаракат таъқиқланган жойларда таъқиқловчи белгилар ва ёзувлар ўрнатилиши керак.

ЁҚШда ёнғинни ўчириш учун сув ҳавзаси, сув олиш ҳудуди ёки ёнғин гидрантларини жойлашиши ҳақидаги белгилар ўрнатилган бўлиши керак.

АЁҚШга кириш ва чиқишда 0,2 м дан кам бўлмаган ясси тепаликлар ёки нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ёнғин сувларини тозалаш иншоотларига туширадиган дренаж ариқчалари ўрнатилиши керак.

Станция ҳудуди, кириш, чиқиш йўллари ва бино атрофлари асфалтланган бўлиши керак. Ёнилғи қуйиш оролчалари олдидаги автомобил туриш жойлари ва оролчаларнинг ўзи бетон қопламали бўлиши керак.

**Лойиҳани техник-иқтисодий баҳолаш.** ЁҚШ лойиҳаларини техник мукамаллик даражаси ва уларни амалга оширишни иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини эталон кўрсаткичлар билан солиштириш орқали баҳоланади. Аммо техник иқтисодий

кўрсаткичлар нафақат конкрет лойиҳаларни техникавий ва иқтисодий баҳолаш учун, балки ЁҚШларни лойиҳалаш ва режалаштириш учун зарур қўлланма бўлиб ҳам хизмат қилади.

Эталон кўрсаткичлар корхоналарни қурилиш ва технологик лойиҳалашда илғор меъёрларни қўллаш, мавжуд ЁҚШларнинг тажрибаларини умумлаштириш, илмий тадқиқот натижалари ва замонавий лойиҳа ечимларини таҳлили асосида аниқ эталон шароитлар учун ўрнатилган. Ушбу кўрсаткичларнинг қийматлари турли тоифа ва шароитларда иш юритадиган ЁҚШлар фаолиятини кўплаб таҳлил қилиш натижасида олинган ҳамда олинган натижаларни аввал лойиҳаланган ва мавжуд АЁҚШлар маълумотлари билан солиштириш натижасида белгиланган. Суткасига 500дан 1000гача (битта ёнилғи қуйиш колонкасига тўғри келадиган) ёнилғи қуйиладиган ЁҚШларнинг кўрсаткичлари:

суткасига ёнилғи қуйишлар сони	– 100-120
ёнилғи резервуарининг сиғими, м <sup>3</sup>	– 25-30.
бинонинг фойдали майдони, м <sup>2</sup>	– 12-15.
бинонинг қурилиш ҳажми, м <sup>3</sup>	– 40-50
қурилиш майдони, оролчалар ва соябонни қўшганда, м <sup>2</sup>	– 60-80.
участка майдони, м <sup>2</sup>	– 400-500.

ЁҚШ қуввати – суткасига 500 ёнилғи қуйиш, йил давомида нефт маҳсулотларини харид қилишни йиллик ҳисобий ҳажми – 7080 т. Шу жумладан бензин Аи-80-2160 т, Аи-92-840 т, Аи-95-840 т, дизел ёнилғиси – 2400 т. ЁҚШни техник тавсифи 5.6 – жадвалда келтирилган. ЁҚШнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2 – жадвал

**АЁҚШни техник тавсифи**

Кўрсаткичлар	Лойиҳа								
	I	II	III	IV	V	VI	VII	РД-1	РД-2
Сутка давомидаги ёнилғи қуйишлар сони									
Эгаллаган ер участкаси, м <sup>2</sup>									
АЁҚШ биносининг майдони, м <sup>2</sup>									
Резервуарлар сони, м <sup>3</sup> :									
-ёнилғи учун									
5 мой учун									
5 ишлатилган мой учун									
Колонкалар сони: ҳаммаси									



Ёнилгилар учун:									
A <sub>u</sub> – 80	1	1	2	1	2	2	-	1	1
A <sub>u</sub> – 95	2	3	4	3	4	4	2	3	2
A <sub>u</sub> – 98	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Дизел ёнилгиси учун									
Мой тарқатиш колонкалар сони									

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишларида қилган маърузалари (2022 – 2023 йиллар)

2. Голиш Л.В, Файзуллаева Д.М, “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш” - Тошкент: “Иқтисодиёт” ,2011 йил, – 206 бет.

3. “Техническая эксплуатация автомобилей” .Учебник для ВУЗов.Под редакции проф.Е.С.Кузнецова, Москва, “Наука” 2002 год

4. “Автомобиллар техник эксплуатацияси” , Қ Сидикназаров таҳрири остида, - Тошкент, “VORIS – NASHRIYOT” , 2006 йил, -670 бет .

5. “Автомобиллар техник эксплуатацияси” , Қ Сидикназаров таҳрири остида, - Тошкент, “VORIS – NASHRIYOT” , 2008 йил, - 560 бет .

6. Мусаёнов М.З. “Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш” Тошкент, “Фан” 2005 йил – 216 бет.

7. Musajonov M.Z. “Avtotransport tarmog’i korxonalarini loyixalash” OTM lar uchun darslik . “VORIS – NASHRIYOT ” 2006 yil – 270 bet.

8. Мусаёнов М.З. “Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш” Тошкент, “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти ” 2011 йил – 320 бет.

9. Г.М.Наполский, А.В.Пугин . “Автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник қайта жихозлаш”.Ўқув қўлланма.(М.З.Мусаёнов, Н.М.Мўминжонов таржимаси).Тошкент, ТАЙИ 2004 йил – 87 бет.

10. Камолов С.К, Фармонов Ш.В, “Neft va neft maxsulotlarini saqlash hamda taqsimlash uskunalari” , - Тошкент , “Sharq” , 2007 йил , - 112 бет.

11. Коваленко В.Г и другие , “Автозаправочные станции” С – П «НПИКЦ» , 2003 год , - 282 страниц .

12. Цагарели Д.В и другие, «Технологическое оборудование АЗС», Москва «Паритет», 2000 год – 408 страниц.

13. “Нефт базалари техник ишлатиш қоидалари” Тошкент, “ЎзбекНефтГаз” МХК, 2005 йил, - 416 бет .

14. “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари” ШНК 2.09.20-08 , “Автомобилларга ёнилги қуйиш станциялари”, Тошкент, 2008 йил , - 104 бет

15. Каннова Г.В “Высшее образование, оборудование транспорта и хранения нефти и газа” , Ростов – на – Дону, «Феникс», 2007 йил, - 128 страниц .

16. Плитман И.Б. «Справочное пособие для работников АЗС и АГНС», Москва «Недра», 1990 год, - 224 страниц.

17. Топливо – смазочные материалы, технические жидкости справочник по редакции Школьникова В.М , Москва , «Химия», 1999 год, - 432 страниц.

18. Кантор Ф.М, Юсупов И.Ю, «Научные основы развития сети АЗС», Тошкент, «Фан», 1981 год, - 112 страниц.

19. Мағдиев Ш.П., Расулов Х.А, “Автомобил ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш”, Тошкент, “Илм – Зиё”, 2011 йил, - 208 бет.

20. О.Хамрақулов, Ш.Мағдиев “Автомобилларнинг техник эксплуатацияси” , Тошкент, 2005 йил.

21. Автомобиллар сервиси . “Ўзавтотеххизмат” ОХЖ усталарининг малакасини ошириш бўйича маърузалар матни .ТАЙИ профессори Қ,М.Сидиқназаров тахрири остида .Тошкент ТАЙИ 2010 йил – 160 бет.
- 22.“Нефт , газ конденсат ва нефт махсулотларини қабул қилиш, ташиш, сақлаш ва жўнатишда табиий йўқолишнинг меъёрлари”, Тошкент “УНГ МХК”, 2010 йил, - 22 бет.
- 23.Автомобил ҳаракат воситалари ва йўл – қурилиш машиналарида ёнилғи ва мойлаш материалларини сарфлаш меъёрий ҳужжати , Тошкент, “Маънавият”, 2003 йил, - 136 бет.
24. «Базовые транспортные нормы расхода топлива масел на автомобильном транспорте», Москва , 2008 год, - 64 страниц.
25. Межгосударственный стандарт ГОСТ 8.346 – 2000 «Резервуары стальные горизонтальные цилиндрические методы поверки», Москва, ИПК Издательство стандартов, 2001 год, - 54 страниц.
26. «Правила технической эксплуатации автозаправочных станций» РД 153 – 39,2 – 080 – 01 , Новосибирск «СУИ» 2008 год , - 78 страниц.
27. Пуховицкий Ф.Н. ва бошқалар , “Машина - трактор паркига техник хизмат кўрсатиш воситалари” Тошкент , “Ўқитувчи” 1982 йил – 246 бет.
28. “Автозаправка , Организация и управление” , Москва “Паритет”, 2004 год, - 596 страниц.
29. Matkarimov K.J va boshqalar, «Avtomobillarda ishlatiladigan ashyolar», Toshkent “Talqin”, 2008 yil, -304 bet.
- 30.Alimova Z.X. “Transport vositalarida ishlatiladigan ekspluatasion materiallar” Toshkent “Fan va texnologiya”,2011 yil, - 164 bet.
31. ОАО «Промприбор»,Оборудование для АЗС, каталог,2012 год.
32. Шалай, В. В. **Проектирование и эксплуатация нефтебаз и АЗС**: учеб. пособие/В. В. Шалай, Ю. П. Макушев. – Омск: Изд-во ОмГТУ, 2010. – 296 с.
33. Коршак А.А. Нефтебазы и АЗС: учеб. пособие / А.А. Коршак, Г.Е. Корабейников, Е.М. Муфтахов. – Уфа: Дизайн полиграф сервис, 2006. – 416 с.
34. Золотницкий В.А. Автомобильные газовые топливные системы – М.: АСТ. Астрель, 2007. – 127 с.
- 35.<http://autozapravka.com/materials-all/favorites/109-benzovoz.html>  
<http://agnks.ru/history/>
- 36.Но.2(62) 2012 года журнала «АвтоГазоЗаправочный Комплекс + Альтернативное Топливо».
37. <http://files.stroyinf.ru/Data1/11/11502/#i16322>
38. [http://www.azs-snab.ru/GAZ/agzs\\_o.php](http://www.azs-snab.ru/GAZ/agzs_o.php)
39. <http://www.gasproject.ru/mdoc/3>
- 40.<http://mingas.ru/category/kontrolno-izmeritelnye-pribory/>
41. [http://gasauto.co.ua/?lang=ru&page\\_id=20](http://gasauto.co.ua/?lang=ru&page_id=20)